

Ақийда дарслари (125-дарс). Энг гўзал исмлар Аллоҳникидир (2-қисм)



АҚИДА
125-ДАРС

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ РОҲИМАҲУЛЛОҲНИНГ
«АҚОИД ИЛМИ ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР» ВА «СУННИЙ АҚИДАЛАР»
КИТОБЛАРИ АСОСИДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.
МАВЗУЛАРНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН
КИТОБНИНГ ЎЗИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.

13:30 / 15.03.2021 4740

Аллоҳ тоқ бўлгани ва тоқни яхши кўргани учун ҳам, Унинг гўзал исмлари тўқсон тўққизта бўлган. Ким ўша тўқсон тўққиз исмни ёд олса, жаннатга киради. Чунки бу гўзал исмларни ёд олган киши Аллоҳ таолонинг гўзал исмларини доимо зикр қилиб юрадиган банда бўлади.

Аммо бу, Аллоҳ таолонинг тўқсон тўққиздан бошқа исми йўқ, дегани эмас. Албатта, Аллоҳ таолонинг исмлари кўп.

Қўйидаги ҳадиси шарифда Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари сифатида машҳур бўлган тўқсон тўққиз исмининг зикри келади.

هَلْ عُلِّمَ لَكَ لَوْ وَسَّرَ لِقَالَ عُنْ هَلْ لِي صَرَّهَ لِي رَءِي رُءِي بَأْنَعِ
أَهْ صَحَّ أَنْ مِجْأَوْ رِيغَةً إِمَامٌ سَأَنِي غَسْتِ وَغَسْتِ لِعَاتِ لَلْنِ مَلَسْ وَ
سُؤْدُقْ لَلْ كَلْمُ لَلْ مِيحْرُ لَلْ نَمَحْرُ لَلْ وَهَلْ لِي دَلْ هَلْ لَلْ وَهَلْ نَجَلْ لَد
رَبِّ لَلْ قَلْ أَلْ رُبَّ كَتْمُ لَلْ رِبَّ جَلْ رِي زَعُ لَلْ نَمِي هُمُ لَلْ نَمُؤْمُ لَلْ مَلَسْ لَلْ
صَبَّاقُ لَلْ مِي لَعُ لَلْ حَاتْفُ لَلْ قِزْرُ لَلْ بَأَوْ لَلْ رَأَقُ لَلْ رَأْفُ لَلْ رَوْصُ لَلْ
مَكْحُ لَلْ رِي صَبُّ لَلْ عِي مَسْ لَلْ لِدْمُ لَلْ رُعْمُ لَلْ رِعْفُ لَلْ صَفْأُ لَلْ طَسْأُ لَلْ
يَلْعُ لَلْ رُوكْشُ لَلْ رُوفُغُ لَلْ مِي طَعُ لَلْ مِي لَحُ لَلْ رِي بَحُ لَلْ فِي طَلُ لَلْ دَعُ لَلْ
بِي قُرُ لَلْ مِي رَكُ لَلْ لِي لَحُ لَلْ بِي سَحُ لَلْ تِي قُمُ لَلْ طِي فَحُ لَلْ رِي بَكُ لَلْ
قُحُ لَلْ دِي هَشُ لَلْ ثَعْبُ لَلْ دِي حُمُ لَلْ دُودُ لَلْ مِي كَحُ لَلْ عَسْأُ لَلْ بِي حُمُ لَلْ
دِي عُمُ لَلْ ئِدْبُ لَلْ صَحُ لَلْ دِي مَحُ لَلْ لِي لَوْلُ لَلْ نِي تَمُ لَلْ يِ وَقُ لَلْ لِي كَوْلُ
رِدَاقُ لَلْ دَمُصُ لَلْ دِحْأُ لَلْ دِحْأُ لَلْ دِحْأُ لَلْ مِي قُ لَلْ لِي حُ لَلْ تِي مُمُ لَلْ يِي حُمُ لَلْ

يَا أُولَ الْأَنْطَابِ، رَهْ أَطْلَ، رُخَّ أَلِ، لَوَّ أَلِ، رُخَّ أَلِ، مَدَّقُ أَلِ، رَدَّتْ قُمْ أَلِ،
وَدَّ كَلُّ أَلِ، كَلُّ أَلِ، فَوْءِ أَلِ، فَوْءِ أَلِ، مَقْتَنُ أَلِ، أَبَا أَلِ، رَبُّ أَلِ، يَلِ أَلِ،
رَضِ أَلِ، عِنَّا أَلِ، يَنْعُ أَلِ، عَمَّا أَلِ، طَسُّ أَلِ، مَارِكُ أَلِ، أَلِ أَلِ،
رُؤُ أَلِ، دِي شُرُّ أَلِ، ثِرَا أَلِ، يِقَابُ أَلِ، عِي دَبُّ أَلِ، يَدَاهُ أَلِ، رُونُ أَلِ، عِفَانُ أَلِ،
مَكَّ أَلِ، أَوَّ أَلِ، نَبَّ أَلِ، يَذْمُرُ أَلِ، أَوَّ

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳнинг тўқсон тўққизта исми бор. Ким уларни тўлиқ билиб олса, жаннатга киради. У Ундан ўзга илоҳу маъбуд йўқ Аллоҳдир. Роҳман, Роҳийм, Малик, Қуддус, Салом, Муъмин, Муҳаймин, Азийз, Жаббор, Мутакаббир, Холиқ, Бориъ, Мусоввир, Ғаффор, Қаҳҳор, Ваҳҳоб, Раззоқ, Фаттоҳ, Алийм, Қобиз, Босит, Хофиз, Рофиъ, Муъизз, Музилл, Самийъ, Басийр, Ҳакам, Адл, Латийф, Хобийр, Ҳалийм, Азийм, Ғафур, Шакур, Алий, Кабийр, Ҳафийз, Муқийт, Ҳасийб, Жалийл, Карийм, Роқийб, Мужийб, Восиъ, Ҳакийм, Вадуд, Мажийд, Боъис, Шаҳийд, Ҳаққ, Вакийл, Қовий, Матийн, Валий, Ҳамийд, Муҳсий, Мубдиъ, Муъийд, Муҳийй, Мумийт, Ҳайй, Қайюм, Вожид, Можид, Воҳид, Сомад, Қодир, Муқтадир, Муқаддим, Муаххир, Аввал, Охир, Зоҳир, Ботин, Волий, Мутаъолий, Барр, Таввоб, Мунтақим, Афувв, Роъуф, Моликул Мулк, Зул Жалали вал Икром, Муқсит, Жомиъ, ўаний, Муғний, Мониъ, Зорр, Нофиъ, Нур, Ҳодий, Бадийъ, Боқий, Ворис, Рошийд ва Собур», дедилар».

Термизий, Ибн Ҳиббон ва ал-Ҳоким ривоят қилганлар.

(Тамом)

«Сунний ақийдалар» китобидан